Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 10 октябрь 1973 йил, чоршанба ◆ № 239 (15.713). ◆ Баҳоси 2 тийин.



Улуғ Октябрнинг 56 йиллиги шарафига

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ПАХТАОБОД

Пахтаобод районининг меҳнатчилари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш учун олиб борилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажардилар, тайёрлов пунктларига 42.750 тонна биринчи нав пахта элтиб бердилар. Гектар бошига 30 центнер пахта ҳосили олинди.

«Москва», «Правда», Ёқубов номли, «Андижон» колхозларининг пахтакорлари халқ хўжалик планини 105-110 процент бажариб, меҳнатдаги бу катта ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев республикага юксак мукофот — Халқлар дўстлиги орденини топширганлигига жавобан Пахтаобод районининг деҳқонлари Ватаннинг катта хирмонига яна 10 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдилар.

ЖИЗЗАХ

Жиззах районининг пахтакорлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб ва беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, тайёрлов пунктларига 44.500 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар, шу тариқа халқ хўжалик планини барвақт бажардилар. Топширилган пахтанинг 54 процента машиналарда териб олинди.

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 128 процент бажарган «Москва», 113 процент бажарган Навоий номли ва 100,1 процент бажарган Карл Маркс номли колхозларнинг меҳнатчилари бу муваффақиятга катта ҳисса қўшдилар.

Район деҳқонлари ялпи пахта ҳосилини 60 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИНИ ҚИЗИТАЙЛИК!

ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ УНУМЛИ ИШЛАСИН

Барча ишчи ва қишлоқ мухбирларига, халқ контроли дозорлари ва активларига!

Ҳурматли ўртоқлар!

Пахта Ватанимизнинг бебаҳо бойлигидир. Пахта — фахримиз, иқболимиз, шон-шуҳратимиздир. Республикамиз деҳқонлари КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишни учун мусобақа байроғини баланд кўтариб, йил сайин «оқ олтин» ҳосилни етиштиришни кўпайтириб бормоқдалар. Улар бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириб давлатга 4 миллион 850 минг тонна пахта сотиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирок қилган пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида ана шунга азму-қарор қилинди.

Ўзбекистоннинг бепоён «оқ олтин» далаларида пахта йиғим-терими тобора авж олмоқда. Мавсумда ҳал қилувчи муҳим давр бошланди: далаларга пахтакорнинг асосий куч-қудрати — «зангори кема»лар чиқди. Бу йил машиналар билан камида 2 миллион 500 минг тонна пахтани териб беришга ваъда берган оташқалб механизаторларнинг чақириғи бутун мамлакат бўйлаб таралди. Ҳеч қачон бизнинг республикамизда машиналар бункеридан ана шунча кўп миқдорда «оқ олтин» тўкилмаган эди. Бу қийин, аммо шарафли вазифани қандай ҳал этиш мумкин? Бу саволга республикамиз механизаторлари, ҳайдовчиларининг мамлакатдаги барча пахтакорларга қарата ёзган, КПСС Марказий Комитети маъқуллаган хатида жавоб берилган. Машиналар қувватидан унумли фойдаланишимиз, икки қаторли агрегатларда камида 100 тоннадан, тўрт қаторли «зангори кема»ларда эса 170-200 тоннадан пахта теришга эришишимиз даркор.

Бу — амалга оширилиши мумкин ва лозим бўлган вазифа. Давлатимиз пахтакорларга ўн минглаб ажойиб пахта териш машиналарини, трактор прицепларини, нўсан чувиндиган ва тўкилган кўсан ва пахталарни териб оладиган машиналарни бериб қўйибди. Уларни элимиз ажойиб пахта устаси деб танинган сирдарёлик Қувондиқ Абдураззоқов, тошкентлик Энвер Алиев ва Сервер Усенков, фарғоналик Муҳаббат Фахриддинова, наманганлик Алимжон Латипов, андижонлик Обиджон Анбаров, самарқандлик Бобошер Шовқиев, бухоролик Қаюм Муҳамедов, қашқадарёлик Улуғ Суяров, сурхондарёлик Светлана Продан ва Абдусаттор Қурбонов, хоразмлик Камол Жуманиёзов, қорақалпоғистонлик Қозоқ Камолов ва шулар каби юраги пахта ишқи билан ёнаётган, оташқалб механизаторлар бошқарадилар. Машина терими усталарининг тажрибасини республикамиздаги барча механик ҳайдовчилар ўртасида кенг ёйишимиз зарур.

Ишчи ва қишлоқ мухбирлари, халқ назоратчилари ва матбуот активлари! Бугун сизнинг ўрнингиз дала — бункер-тележка — тайёрлаш пункти улкан конвейерининг ҳамма участкаларида бўлмоғи, энг муҳим вазифамиз эса пахта териш, ташиш ва топширишнинг тўхтовсиз бажарилишини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

Биринчи даражали, энг муҳим ва бош вазифамиз пахта териш техникаси самарадорлигини оширишдир. Далада қанча машина ишлаяпти-ю, қанчаси қантариб қўйилган? Нима учун ҳамма техника ишга солинмаяпти? Ҳар бир бригада, ҳар бир хўжаликда ана шу масалалар билан яқиндан шуғулланишингиз, камчиликларга қарши ўт очишингиз лозим. Хўжалик раҳбарларига хато ва камчиликларни топишда, уларни тугатишда яқиндан ёрдам беринг. Пахта йиғим-терими суръатини тезлаштириш учун барча имкониятларни ишга солинг. Ҳамма агрегатлар, барча техника йиғим-теримга тўла сафарбар этилмагунча сира тинниб-тинчиманг.

Терим илғорларининг «сири» ҳам, кам пахта тераётган кишиларнинг қолоқлик сабаблари ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Рекордларни дарҳол барча пахтакорлар ўртасида кенг ёйилиш, норма бажарилмаётган жойларда бонг урайлик. Ишчи ва қишлоқ мухбирлари халқ назоратчилари илғор тажрибаларнинг жонговар тарғиботчиси бўлиш билан бирга камчиликларни тугатиш учун кураш ташаббускорлари ҳам бўлсинлар.

Жойларда терим техникаси икки сменада ишлатиляптими? Механик-ҳайдовчиларга ёрдам учун агрегатларга техника хизмати кўрсатадиган махсус кишилар ажратилганми? Машина билан пахта терадиган ҳар бир группага юқори малакали слесарь-созловчилар бириктирилганми. Кўрак терадиган ва чувийдиган машиналар ишга тахт этилганми? Тўкилган пахтани териб оладиган механизмлар тўла қувват билан ишлаяптими? Текшириш пайтларида ана шуларга эътибор беринг, ҳамма жойда ишнинг шу даражада ташкил этилишига эришинг. Токи, бирорта колхозда ҳам, бирорта совхозда ҳам техника бекор туриб қолмасин, ҳар бир машина юқори унум билан ишласин, улардан иложи борича унумлироқ фойдаланайлик.

Матбуот активлари ва халқ назоратчилари!

Пахта йиғим-теримида сизларнинг эътиборингиздан четда қолдиган ҳеч қандай майда-чуйда иш бўлмасин. Даладан тайёрлаш пунктларигача — ҳамма ер ҳамма иш сизларнинг ўткир ва талабчан диққат-эътиборингизда бўлиши лозим. Пахта нобудгарчилиги олдини олиш учун курашингиз. Тўкилган ҳар бир дона кўрак ёки ҳар бир чаноқ пахта бункерларга ўз-ўзидан тушиб қолмайди, уларни қўлда териш лозим бўлади. Бу эса кўп меҳнат ва маблағ сарфлашни талаб қилади. Машиналар ёнига тележкаларнинг нечиниб келиши тартибсиз бир ҳолдир. Чунки бундай нечиниш терим агрегатлари иш суръатини пасайтиради, бутун бир конвейер ҳаракатини сусайтириб қўяди.

Тер тўкиб етиштирилган ҳар бир тола пахтани эҳтиёт қилайлик. Граммлардан «оқ олтин» тоғлари бунёд бўлишини сира унутмайлик.

Ҳурматли ўртоқлар, келинглар, даладан тайёрлаш пунктларигача бўлган барча участкаларда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг ва халқ контроли группаларининг матбуот ва халқ назорати органлари билан чамбарчас боғланган ягона, мустаҳкам кузатувини ташкил этайлик. Хўжасизликка қарши ўт очайлик!

Етиштирилган мўл ҳосил тақдирини техникани эгаллаган кишилар ҳал қилади. Республикамизнинг 4 миллион 850 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун курашаётган қишиларга унумли меҳнат қилиш учун зарур шароитларни яратиб бериш барча хўжаликларнинг, районлар ва областлар раҳбарларининг муқаддас бурчи ва энг муҳим вазифасидир.

Ишчи ва қишлоқ мухбирлари, халқ назоратчилари! Далада умумий овқатланиш ва савдо-сотиқни ташкил этиш, газета ва журналларни вақтида етказиб бериш, радиоприёмник ва телевизорларни ишлатиш, маиший ва медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш сизларнинг ҳам доимий диққат-эътиборингизда бўлсин. Далада ишлаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга эътиборсизлик билан қарашни фавқулодда ҳолат деб баҳолаш керак.

Қимматли дўстлар! Шуни унутмангки, сиз олдини олган камчилик ёки сизнинг ёрдамингиз билан тугатилган нуқсонлар йиғим-терим суръатини янада тезлаштириш, нобудгарчилик олдини олиш имконини беради. Сизлар бу олижаноб ишларингиз билан республикамиз пахтакорларининг меҳнат ғалабасига — социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши ва ошириб бажарилишига муносиб ҳисса қўшган бўласизлар.

«ПРАВДА ВОСТОКА», «СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Чиноз райони даги Киров номли колхозининг машҳур механизатори, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунойи Охунова бошлиқ бригада ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширимоқда. 82 гектар майдондан 29 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Бригада заршуносларн ҳосил чўғини ҳисоблаб чиқиб, 15 октябргача гектаридан олинадиган пахта ҳосилини 50 центнерга етказишга қарор қилганлар. Турсунойи Охунованинг ўзи бригадага бошчилик қилиш билан бирга, «зангори кема» билан 200 тоннадан ошириб дур терди. Суратда: Т. Охунова пахта даласида.

Қ. Розиқов фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 9 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада	
			бир кунда	мавсум бошидан
Андижон	1,78	90,01	2,97	95,08
Қашқадарё	1,76	86,24	1,88	69,30
Сирдарё	3,21	82,87	3,98	101,89
Сурхондарё	2,03	81,69	2,65	79,74
Тошкент	1,94	75,09	2,24	82,47
Наманган	1,90	74,22	3,79	97,49
Фарғона	1,71	71,93	3,24	66,23
Хоразм	2,66	62,72	2,58	39,36
ҚҚ АССР	2,89	61,33	3,23	49.92
Бухоро	1,62	58,48	2,49	55,91
Самарқанд	2,60	53,58	4,45	64,49
Республика бўйича:	2,17	72,69	3,11	75,59
	Шу жумладан инғичка толали пахта			
Сурхондарё	1,66	65,42		
Қашқадарё	1,67	57,86		
Бухоро	0,51	15,75		
Республика бўйича:	1,56	59,48		

СОВЕТ — ЯПОНИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

9 октябрда Кремлда Совет — Япония музокаралари давом эттирилди.

Музокараларни совет томонидан: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико;

Япония томонидан: Япония Бош министри К. Танака, Япония ташқи ишлар министри М. Охира олиб бормоқдалар.

Совет — Япония муносабатларини ривожлантириш масалалари юзасидан, шунингдек баъзи бир актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашувлар давом эттирилди.

Музокараларда совет томонидан КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров;

Япония томонидан Ташқи ишлар министрлиги маҳкамасининг директори В. Овада ва Ташқи ишлар министрлиги секциясининг бошлиғи Х. Араи қатнашдилар.

Музокаралар давом эттирилади. (ТАСС).

Н. В. ПОДГОРНИЙ К. ТАНАКАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Япония Бош министри Какуэй Танакани 9 октябрда Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Совет — Япония муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, шунингдек ҳар икки томоини қизиқтирувчи бошқа проблемалар муҳокама қилинди.

Суҳбатда совет томонидан — СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, Совет Иттифоқининг Япониядаги элчиси О. А. Трояновский қатнашдилар;

Япония томонидан — Япония ташқи ишлар министри М. Охира, ташқи ишлар министри ўринбосарининг ўринбосари К. Цируми, Японияниинг СССРдаги элчиси К. Ниидзэки, Япония Ташқи ишлар министрлиги департаментининг директори В. Овада ва бошқалар қатнашдилар.

(ТАСС).

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

АНДИЖОН

Обиджон АКБАРОВ — 920 тонна Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

●

Юсуфжон НУРИДДИНОВ — 701 тонна Бўз районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси.

●

Абдуфаттоҳ СОЛИЕВ — 520 тонна Шу районидаги «Партия XX съезди» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

●

Қўчқор ЭРГАШЕВ — 517 тонна Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси.

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ ВА МОНТАЖ МИНИСТРЛИКЛАРИ ҲАМДА ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН 1973 ЙИЛ 9 ОЙИДА ПУДРАТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — 9 ойлик планнинг бажарилиш проценти, иккинчи стун — сентябрь ойи планининг бажарилиш проценти, учинчи стун — 1973 йилнинг 9 ойида қилинган иш 1972 йилнинг 9 ойида қилинган ишга нисбатан процент ҳисобида)

— Автомобиль йўлларини қуриш ва ишлатиш министрлиги	107,4	110,4	95,1
— Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	105,1	106,9	102,4
— Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	104,1	113,5	112,2
— Узколхозстрой	103,3	110,8	110,0
— Узглавводстрой	102,7	106,9	113,8
— Қишлоқ қурилиши министрлиги	101,5	108,2	107,1
— Главташкентстрой	100,4	105,4	99,7
Қурилиш министрлиги	96,0	105,1	107,3

Умуман республикада 1973 йил январь—сентябрда давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари 1972 йилнинг январь-сентябрдагига қараганда 11 процент кўп ўзлаштирилди, қурилиш-монтаж ишлари 12 процент кўп бажарилди.

* * *

IV квартал — бу йил ишга тушириладиган объектларни қуриб битказишнинг сўнгги — охирги кварталидир. Қурилиш, монтаж министрликлари, идоралари, трестлар ва бошқармалар, шунингдек, заказчилар 1973 йилда ишга тушириладиган объектлардаги ишларни кучайтириш ва уларни сўзсиз ишга туширишни таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришлари керак.

Минерал ўғит, халқ истеъмол товарларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни, шунингдек, уй-жой бинолари, мактаблар, болалар муассасалари, даволаш ва бошқа маданий-маиший муассасалар қурилишини жадаллаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

ДОН ДАВЛАТГА

Республика областларида мак жўхори дони ва шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 9 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — ўрилган маккажўхори (топшириққа нисбатан процент ҳисобида); учинчи стун — топширилган маккажўхори дони (топшириққа нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи стун — ўрилган шоли (планга нисбатан процент ҳисобида); бешинчи стун — топширилган шоли (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Самарқанд	63,4	102,2	66,3	14,7
Тошкент	65,4	101,3	60,3	26,8
Сирдарё	68,9	100,1	40,1	20,5
Сурхондарё	97,3	100,0	55,2	61,6
Андижон	93,1	100,0	63,7	63,2
Қашқадарё	80,7	100,0	планда белгиланмаган	
Фарғона	51,4	100,0	62,8	38,4
Наманган	71,2	98,1	58,5	45,9
Бухоро	69,2	92,1	планда белгиланмаган	
ҚҚ АССР	57,8*	84,5	42,3	43,4
Хоразм	54,5	72,0	79,5	51,6
Республика бўйича:	69,8	96,3	52,5	40,8

*) маълумот аниқланган.

ЗАФАР САТРЛАРИ

ДЎСТЛИК. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов директорлик қилаётган Ленин номли совхоз пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлат қабул пунктларига пландаги 9100 тонна ўрнига 10000 тонна «оқ олтин» тўкилди. Ҳосилнинг асосий қисми машиналарда териб олинди.

⊙

«ВЛКСМ XXV СЪЕЗДИ» совхозининг пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар. Пландаги 8435 тонна ўрнига 8.5 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. 100 процент ҳосил машиналар бункеридан тўкилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Москвага келган Сурия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СКП Марказий Комитети секретари Ю. Файсал ва СКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси И. Бакридан иборат Сурия Компартияси делегацияси билан 8 октябрда учрашдилар.

КПСС ва СКП намояндалари ҳар иккала партиянинг фаолияти тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, муҳим халқаро проблемалар хусусида ва айниқса Исроилнинг Сурияга ва Мисрга қарши давом этаётган агрессияси муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олдилар. Суриялик ўртоқлар Сурия коммунистлари, барча халқи ўз мамлакатининг миллий мустақиллиги ва территориал яхлитлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қатъий қарор берганлигини айтдилар. КПСС намояндалари Сурия ва Мисрга қарши Исроилнинг бошлаган ҳарбий ҳаракатларини кескин қораладилар ва Совет Иттифоқи Сурия ҳамда бошқа араб халқларининг ўз қонуний ҳуқуқларини тиклаш йўлидаги курашини ҳеч сўзсиз қўллаб-қувватлаяжагини айтдилар.

Сурия Коммунистик партияси делегацияси КПССнинг барча халқлар ҳаётий манфаатларига мувофиқ бўлган халқаро майдондаги фаолиятига юксак баҳо берди. Совет Иттифоқи араб халқларининг Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаётганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Суриялик ўртоқлар, шунингдек, партиянинг бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида КПСС олиб бораётган ишлар ҳақида ва партия раҳбарлигининг кейинги вақтларда бу соҳада қилаётган амалий ишлари тўғрисида гапириб бердилар. Совет томони суриялик ўртоқларнинг ўз партиялари бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилади.

Томонлар ҳар иккала партия ўртасида, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларига асосланган традицион қардошларча дўстликни мустаҳкамлашга интилаётганликларини билдирдилар.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари Р. А. Ульяновский иштирок қилди.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — ПАРТИЯНИНГ АСОСИ

ЖАНГОВАР ЗВЕНОЛАР

Халқобод пахта тозалаш заводи қолоқликдан чиқмай қолди. Бу аҳвол кўп йиғилишлар учун муҳокама мавзуи бўлди. Корхона дирекцияси ва партия ташкилоти номига талай танқидий гаплар ҳам айтилди. Аммо аҳвол сира ўзгармай қолаверди.

Завод коллективи ўртасидаги вазият, барча ишлаб чиқариш участкаларидаги аҳвол ҳар томонлама синчиклаб ўрганилганида қолоқликка техник хусусиятлар эмас, балки бутунлай бошқа нарсалар сабаб бўлаётгани аён бўлди. Корхона бошқарув аппарати ҳамда партия ташкилоти фаолиятида жиддий нуқсонлар борлиги, кишилар билан яқиндан иш олиб бориш ўрнига қоғозбозликка зўр берилаётгани, мажлисбозлик, буйруқбозлик кучайиб кетгани маълум бўлди. Бу ерда шунингдек ташкилотчилик иши, қарорларнинг ижросини таъминлаш ва ижрони назорат қилиб боришни кучайтириш, топширилган иш учун кадрларда масъулият ҳиссини ошириш каби муҳим вазифаларга ҳам эътибор камайиб кетган.

Область партия комитети Халқобод пахта тозалаш заводида рўй берган ана шундай камчиликларни тезроқ тугатган ва қолоқликка барҳам бериш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб, ушбу тадбирларнинг ўз вақтида, тўла амалга оширилишини қаттиқ назорат қилиб борди. Асосий диққат-эътибор коллективнинг активлигини, корхонадаги барча ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш учун уларнинг ролини кучайтириш вазифаларига қаратилди. Цех ва участкаларга раҳбарлик кучайтирилди. Инженер-техник ходимларнинг топширилган иш учун масъулияти оширилди. Ишчиларнинг малакасини ва маҳоратини ошириш, ёнғош касбларни эгаллашлари учун шароит яратилди. Цех, участка ва бригадаларда социалистик мусобақа авж олдирилди. Инженер ва техник ходимлар ҳам мусобақада актив иштирок этмоқдалар. Энг мураккаб ва масъулиятли участкаларга коммунистлар юборилди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар ташаббускорлигини ошириш, ички резервларни излаб топиш ва фойдаланиш учун коллективни сафарбар этиш каби тадбирлар қисқа вақт ичида завод ишлаб чиқаришда тубдан ўзгариш ясаш имконини берди. Корхона тез орада қолоқликдан чиқди.

Бошланғич партия ташкилотларининг хўжаликка раҳбарлигини мустаҳкамлаш натижасидагина қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мумкин. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев айтганидек, **«Ҳатто энг кичкина партия ташкилоти ҳам ҳамма нарсани яхши ҳисоблаб чиқса, ҳамма нарсани пайқаб олса, ҳамма нарсани ишга солса, кўп нарсалар қилиши, кўпгина янги имкониятларни топиши мумкин».**

Область партия ташкилоти бошланғич ташкилотларнинг ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш юзасидан КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар этиш, кадрларни ғоявий-сиёсий тарбиялашни янада кучайтириш борасида тўпланган тажрибасини атрофлича ўрганмоқда. Ана шу масалани обком пленумида кўриб чиқдик. Ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар, колхоз ва совхозлар бошланғич партия ташкилотларида, район ва шаҳар партия комитетларида партия ички ҳаёти тўғрисида етилган масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Автоном Республикасида 972 та бошланғич ва 874 та цех партия ташкилотлари иш олиб бормоқда. Улар омманинг ҳақиқий етакчилари, ташкилотчиларга ва тарбиячилари бўлиб қолдилар. Масалан, Мўйноқ балиқ-консерва комбинати коммунистлари ишлаб чиқаришда маънавий-сиёсий вазиятни вужудга келтириш, коллектив бўлиб, экономикани интенсивлаштириш резервларини топиш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар социалистик мусобақага етакчилик қилиб, кўп марта қимматли ташаббуслар билан чиқдилар. Бу корхона коллективи уюшқоқлиги, топширилган вазифага юксак масъулият ҳис этиб ёндашиши, план ва социалистик мажбуриятларни ҳар доим ошириб бажариши билан бошқа корхоналар орасида яққол ажралиб туради.

«Тахиаташгидроэнергострой» бошқармаси партия ташкилоти иши айниқса ибратли бўлмоқда. Бу қурилиш коммунистлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкилотлари қунининг 50 йиллиги олдидан зарбдор меҳнат вахтаси эълон қилдилар. Яқинда область партия комитети бюросида ана шу бошқарма ва Тахиатош ГРЭСи партия ташкилотларининг коллективни ижтимоий-маданий ривожлантириш юзасидан қандай ишлар қилаётгани тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб ва муҳокама қилиб, ГРЭС коммунистларининг бу соҳада қилаётган ишини маъқул деб топди.

Амударё районидаги Максим Горький номли совхоз, Беруний районидаги Алишер Навоий номли, Хўжайли районидаги Ленин номли, Тўрткўл районидаги «Қирққизобод» колхозлари бошланғич партия ташкилотлари омманинг активлигини таъминлаш, уларни қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун сафарбар қилиш юзасидан кўпгина ибратли ишлар қилмоқдалар. Улар экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, алмашлаб экишни жорий этиш, янги ерлар ўзлаштиришга бошчилик қилаётирлар. Бу хўжаликларда коммунистларнинг ташаббускорлиги, активлиги, бошланғич ташкилотларнинг келгусини кўзлаб ишлаётгани, хўжаликка партиявий раҳбарликни тинмай такомиллаштириб бораётганлиги сабабли, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш планлари ошириб бажарилмоқда. Коммунистлар «Элликқалъа» массивини ўзлаштиришда ишбошилик қилмоқдалар. Бу қўриқ ерга ҳужум тобора кучайиб боряпти. Коммунистлар ташаббус кўрсатиб ишлаётган хўжаликлар «Элликқалъа» массивидан 2 минг гектардан ортиқ майдонни ўзлаштириб экинзорга айлантирдилар.

Аммо, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, яқин кунларгача ҳамма иши яхши деб ҳисоблаб келинган фақат мактов сўзларга эшитаётган баъзи партия ташкилотларида ўз ишига юқори баҳо бериш, ютуқлардан эсанкираш рўй бераётгани маълум бўлди. Пленумда бу ташкилотларда партиявий раҳбарликни яхшилаш ишида силжиш бўлмаётгани, кадрлар билан ишлашда ҳозирги талабларга тўла жавоб беролмай қолган эскича услублар ҳали ҳам қўлланилаётгани қаттиқ танқид қилинди. Камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Бошланғич ташкилотларнинг жанговарлиги, оммага таъсир кучи ўз фаолиятини ҳамиша активлаштиришда, иш услуби ва методларини такомиллаштира боришда эканлиги алоҳида таъкидланди. Цех партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот сайлов йиғилишларида коммунистлар ўз ташкилотлари фаолиятини, жанговарлигини янада кучайтириш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирдилар. Беруний, Қўнғирот, Тўрткўл ва Хўжайли районларида ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳар икки коммунистнинг бири музокарада сўзга чиқди. Улар ишлаб чиқаришга партиявий таъсирни янада кучайтириш, қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштира бориш юзасидан конкрет таклифларини айтдилар.

Область партия ташкилоти ҳамма соҳада тубдан ўзгариш ясаётган, омманинг ҳақиқий ташкилотчи кучига айланган бошланғич ташкилотлар иш тажрибасини кенг оммалаштирмоқда. Беруний районидаги Алишер Навоий номли колхоз партия ташкилоти ана шулар жумласидандир.

Колхоз бошланғич партия ташкилоти ўз сафига 72 коммунистни бирлаштирган. Партия аъзоларининг 90 процентдан кўпроғи колхоз ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларида меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46 центнердан «оқ олтин» сотиш, пахта тайёрлаш йиллик планини 15 октябргача бажариш ташаббуси билан чиқдилар.

Колхоз партия ташкилоти асосий диққат-эътиборни кадрлар, айниқса ўрта звено мутахассисларини тайёрлашга ва қайта тайёрлашга қаратмоқда. Ҳозир хўжаликдаги деярли барча бригада ва ферма раҳбарлари ўрта ёки олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассисларидир. Хўжаликда деҳқончилик маданиятини тобора юксалиб борялти, чорвачилик тараққий этмоқда. Коммунистлар пахта йиғим-теримида авангардлик қилмоқдалар. Бутун кучни йиллик план ва социалистик мажбуриятни белгиланган муддатда бажаришга қаратмоқдалар.

Кўп жойларда илғорлар тажрибаси қўлланиш ва жорий этиш учун тавсия қилинганида ана шу бошланғич ташкилотнинг фақат ижобий томонларигина кўрсатиш одат бўлиб қолган. Биз кейинги йилларда бу хил «кўз-кўз қилиш» усулидан воз кечдик. Илғор тажрибалар тавсия қилингани ана шу бошланғич ташкилотнинг ишидаги камчиликлар ва нуқсонлар ҳам таъкидлаб кўрсатилади. Бу эса ўз навбатида коммунистларнинг ютуқлардан гурурланиб кетиши, камчиликларнинг қайта такрорланиш олдини олади, шу камчиликларга йўл қўйган ташкилот коммунистларининг активлигини кучайтириш имконини беради. Тўрткўл районидаги «Қирққизобод» колхози, Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» шоликорлик совхози, Тахтакўпир районидаги «Мадания» совхози партия ташкилотларининг хўжаликни партиявий раҳбарлик услуби ва метолларини бошқа партия ташкилотларида жорий қилиш учун тавсия этганимизда худди ана шу тарзда иш тутдик.

Бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини чуқур ўрганиш, мавжуд камчиликлари вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, бу соҳада бошланғич ташкилотларга яқиндан ёрдам бериш ишида партия ташкилотларининг ҳисоботларини бюро мажлисларида тинглаб бориш, муҳокама қилиш, уларнинг фаолиятини комплекс таҳлил қилиш каби методларнинг ҳам роли катта бўлмоқда. Айниқса бошланғич ташкилотларга раҳбарликни яхшилашда социологик тадқиқотлар катта аҳамият касб этмоқда.

Область партия ташкилоти партия ички ахборотига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Барча коммунистлар партия ҳаётининг муҳим масалалари бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида вақтида хабардор қилиб борилмоқда. Ўтган йили область партия комитети аъзолари ўз сафига 17 мингдан ортиқ коммунистни бирлаштирган 800 дан зиёд бошланғич ташкилотларда бўлиб ахборот бердилар. Анз шундай йиғилишларда 6 мингдан ортиқ коммунистнинг ўз партия ташкилоти фаолияти ҳақида айтган фикр ва мулоҳазалари, умумлаштирилиб, мавжуд камчиликларнинг олдини олиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Партия ҳужжатларини алмаштириш коммунистларнинг авангардлик ролини, интизомлилиги ва ғоявийлигини кучайтириш, бошланғич ташкилотларнинг жанговарлигини ошириш бобида муҳим роль ўйнамоқда. Шу кунгача автоном республикада 200 дан кўпроқ бошланғич ташкилотларда ҳужжатлар алмаштирилди. Партия ташкилотлари йиғилишларда ўрта звено раҳбар кадрларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бораётирлар. Якка тартибдаги суҳбатларда аввал пассив, жамоат ишларида актив қатнашмайди, деб топилган 764 коммунист энг актив партия аъзолари томонидан оталиққа олинди. Бу коммунистлар ҳозир илғорлар қаторидан ўрин эгалладилар, тобора активлашиб бораётирлар. Область партия ташкилоти жойларда «Партия ҳужжатларини алмаштириш якунлари ва бошланғич ташкилотларнинг вазифалари тўғрисида», «Партия билети ва коммунистларнинг масъулияти», «Ягона партия билети» деган мавзуларда партия йиғилишларини ўтказишни планлаштирилмоқда.

Область партия ташкилоти бошланғич ташкилотлар орқали кенг меҳнаткашлар оммасини ишлаб чиқаришни бошқаришга, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли ҳал этиш ишига сафарбар қилмоқда. Бу ёил автоном республикамиз она-Ватан ҳирмонига 350 минг тонналик «оқ олтин»и ва 120 минг тонналик шолиси билан муносиб улуш қўшади. Ҳозир ваъдага вафо қилиш учун ҳамма жойда социалистик мусобақа авж олдирилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар ана шу курашда олдинги сафда бормоқдалар.

Қ. КАМОЛОВ,
Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР


ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

Шаҳар ижроия комитети тузган комиссия газетанинг 9 август сонида «Таниқдин тан олмаётганлар» сарлавҳаси остида босилган мақола юзасидан текшириш ўтказди. Текшириш натижасига асосланиб қабул қилинган қарорга биноан «Водоканал» трести келгуси йили Бодомзор кўчасида 150 миллиметр диаметрли водопровод тармоғи қуради. Шундан сўнг Павленко, Гришин, Шчербаков, Бодомзор кўчаларида истиқомат қилувчи хонадонларни сув билан таъминлаш яхшиланади.

Ирригация ва гидротехника иншоотлари трестига Киров район ижроия комитети ва маҳалла комитетлари билан биргаликда Мирзаюсуп каналини тозалаш, зарур ремонт ишларини амалга ошириш, унинг ёқасига ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш ва шу тариқа каналдан белгиланган миқдорда сув оқишини таъминлаш топширилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бош бошқармаси шу йилнинг охиригача Гришин ва Шчербаков кўчаларини асфальтлайди. Бодомзор кўчаси эса водопровод тармоғи қурилиши тугалланганидан сўнг асфальтланади. Гришин кўчасида бу йил осма, Павленко кўчасида эса ер ости газ линияси қурилади ва шундан кейин мазкур кўчалар асфальтланади.

Планетамизда



ГДР. Шу беш йилликда республика энергетика балансини янада ўстиришнинг асосий планлари белгиланган. 1973 йилнинг охиригача «Норд» атом электр станциясининг биринчи навбати ток бера бошлайди. Суратда: электр станцияси қурилишининг кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

АРГЕНТИНАДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС). Аргентина миллий сайлов кенгаши Аргентинада 23 сентябрда ўтказилган президент сайлови якунлари тўғрисидаги узилкесил расмий маълумотларни эълон қилди. Хустисиалистлар озодлик фронтининг номзоди генерал Хуан Доминго Перон мамлакатнинг президенти қилиб сайланди. У сайловда жуда катта галаба қозонди. Хуан Перон 7 миллион 359 минг 171 овоз олди. Бу — овоз беришда қатнашган сайловчилар миқдорининг 61,85 процентини ташкил этади. Хуан Перонинг рафиқаси — Исабель Мартинес Де Перон Аргентинанинг вице-президенти қилиб сайланди.

Аргентина коммунистлари, социалистлари ва бошқа партияларнинг вакиллари сайловда хустисиалист озодлик фронтининг номзодларини қўллаб-қувватладилар.

Шу билан бирга кейинги воқеалар Аргентинанинг реакцион кучлари ўз мавқеларини қўлдан бермасликка интилаётган лигини исбот қилади. Жумладан, мамлакатнинг таниқли сиёсий арбобларидан кўп киши ўлдирилганлиги буни яққол кўрсатиб турибди. Бундай ўлдиришлар «империалистларнинг мамлакатда тартибсизлик вазиятини вужудга келтириш, антикоммунистик фаолиятни кучайтириш ниятлари билан бевосита ёки билвосита боғланган». Шу муносабат билан Аргентина президентининг яқинда қилган доклади жуда катта аҳамиятга эгадир. Президент бундай деган эди: «Бизга ҳамма томондан хавф-хатар таҳдид қилмоқда. Биз шай бўлиб туришимиз керак. Биз Чили мисолида кўп нарса ўрганишимиз керак».

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 9 октябрь. (ТАСС). БМТ Бош ассамблеясининг XXVIII сессияси бугун Яқин Шарқдаги аҳвол масаласини муҳокама қилиш учун ишини давом эттирди. Маълумки, Яқин Шарқда Исроил Сурия ва Мисрга қарши уруш ҳаракатларини бошлаб юборди.

Бош ассамблея сессиясининг эрталабки мажлисида Сурия ташқи ишлар министри ўринбосари Закария Исмоил ахборот берди. У 6 октябрда Исроилнинг ҳужум қилганлиги ҳақида делегатларга хабар берди. Бу агрессияга илгаридан тайёргарлик кўрилган эди, деди у, Исроил уруш ҳаракатларини бошлаб яна араб территорияларини босиб олишга интилмоқда. Сурия қуролли кучлари агрессорга қарши ҳарбий ҳаракатлар билан ўзини ҳимоя қилиш қонуний ҳуқуқини амалга оширмоқда. Сурия ташқи ишлар министрининг ўринбосари таъкидлаб ўтдики, сурия халқи Исроилнинг Сурия территориясини оккупация қилиб туришига хотима бериш, фаластинлик араб халқининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун курашмоқда.

Исроил ташқи ишлар министри А. Эбан баёнот учун сўз олиб ҳар хил найранглар ва ёлғон-яшиқ фактлар ёрдами билан Исроил қўшни араб давлатлари территориясига ҳужум қилганлигини инкор этишга уринди.

Миср ташқи ишлар министри Аз-Зайёд ўз баёнотида Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йилги резолюциясини ва БМТнинг Яқин Шарқ хусусидаги бошқа қарорларини бажаришдан бош тортаётган Исроилнинг босқинчилик сиёсатини фош қилди. Исроилнинг ҳужуми, деди у, Тель-Авив ўтказиб келаётган босқинчилик сиёсатининг давомидир. Миср ташқи ишлар министри Исроил қўшинларини у босиб олган араб ерларидан батамом ва ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетиш Яқин Шарқдаги можарони тинч сиёсий бартараф этишнинг бирдан-бир негизи эканлигини таъкидлаб ўтди. У Исроилнинг бу янги агрессиясига зарба беришга ва қадимий Миср территориясини озод қилишга миср халқи қатъий қарор қилганлигини айтди.

Саудия Арабистонининг БМТдаги доимий вакили Д. Баруди ҳам Исроил ҳарбийларининг Мисрга ва Суриягa қилган ҳужумини қоралаб чиқди.

ЯҚИН ШАРҚДА ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР

ҚОҲИРА, 8 октябрь. (ТАСС). Миср қуролли кучлари олий қўмондонлигининг эрталабки маълумотида бундай дейилади: Сувайш каналини кечиб ўтган Миср қўшинлари душман аскарлари ва техникасига катта талафот бериб, Шарққа томон ҳаракат қилишни давом эттирмоқда. Душман икки кунлик жанг чоғида 57 та самолётини ва 92 та танкини йўқотди.

Миср томони 21 самолётидан ажралди.

Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари Синайнинг шимолида Мисрнинг ердаги қисмларига ҳужум қилишга уриниб кўрди. Лекин қирувчи самолётларнинг ҳужумига дуч келди. Исроилнинг иккита самолёти уриб туширилди.

Миср олий қўмондонлиги Миср қуролли кучларининг Сувайш каналига қурган кўприкларни яксон қилганлиги тўғрисидаги Исроилнинг даъволарини рад этди. «Бизнинг қўшинларимиз танклар, пиёда қисмлар ва артиллерия билан биргаликда каналнинг шарқий соҳилига муваффақиятли кечиб ўтишни давом эттирмоқда», — дейилади маълумотда.

ДАМАШҚ, 8 октябрь. (ТАСС). Сурия армияси ҳарбий қўмондонлигининг бугун эрталаб тарқатган маълумотида қуйидагилар хабар қилинади: Сурия қўшинлари кечаги кун давомида фронтнинг марказий участкасидаги Голан тепаликлари территориясининг катта қисмини эгаллаб олган.

Исроил авиацияси Суриянинг учта аэродромига бомба ташлашга уринган пайтда Сурия самолётлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ёрдамида душманнинг 12 та самолёти уриб туширилган.

Бугун маҳаллий вақт билан соат 8 дан 15 минут ўтгунга қадар яксон қилинган Исроил самолётларининг умумий сони 21 тага етган.

ДАМАШҚ, 8 октябрь. (ТАСС). Фаластин партизанларининг жанговар группалари кеча Сурия фронтида Исроил қўшинларининг орқа томонида, шунингдек Исроилнинг ички коммуникацияларида бир қанча муваффақиятли операциялар ўтказишди. Фаластин группалари Дан ва Эшкол лагери районида душманга ҳужум қилишди. Исроил қўшинларининг Ливан чегараси яқинида жойлашган Ал-Халис, Аббосия, Ал-Фажар аҳоли пунктлари районидаги позицияси ҳам ракеталардан ўққа тутилди.

ЛОНДОН, 8 октябрь. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Миср ва Суриягa қарши агрессив ҳаракатларининг миқёсини кенгайтирмоқда. Рейтер агентлигининг мухбири Тель-Авивдан хабар беради: Исроил ҳозир Сувайш каналини районида Миср танклари ва пиёда аскарларига қарши, шунингдек Голан тепаликларида Сурия қўшинларига қарши шиддатли жанглар олиб бормоқда. Миср қўшинларига қарши ҳаракат қилаётган Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари кеча 60 минут давомида 1967 йилги урушдагига нисбатан кўп бомба ташлаганлиги таъкидланади. Исроил армиясининг резерв қисмларини Синай ярим оролига юбориш тўхтовсиз давом этмоқда. Исроил авиацияси Миср ва Сурия фронтларида напалм бомбалардан фойдаланмоқда.

ДАМАШҚ, 8 октябрь. (ТАСС). Сурия авиацияси Исроил қўшинларининг шимолий ҳарбий округи команда пунктларига бомба ёғдирди. Сурия ҳарбий қўмондонлигининг маълумотида хабар берилишича, душман Голан тепаликларига юборишга уринган резерв қисмлари ҳам бомбардимон қилинган. Бугун ҳаво жангларида душманнинг ҳужумларини қайтариш чоғида ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ёрдамида Дамашқ вақти билан соат 13 гача Исроилнинг 25 та самолёти уриб туширилганлиги таъкидланади. Исроилнинг олти учувчиси асир олинган.

МИСР ҲАРБИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ҚОҲИРА, 8 октябрь. (ТАСС). Миср ҳарбий қўмондонлиги бугун тушдан кейин қуйидаги ахборотни эълон қилди:

Бизнинг қўшинларимиз ўрнатилган кўприклар орқали Сувайш каналидан ўтишни давом эттирмоқда. Кеча кечаси душман қўшинларимизнинг ҳаракатини тўхтатишга бехуда уриниб қарши ҳужум қилишга интилиб кўрди. Душманнинг қарши ҳужумлари танкларимиз, артиллериямиз, танкка қарши тўпларимизнинг шиддатли ўти билан кутиб олинди ва уларнинг ҳужуми тўла муваффақиятсизликка учради. Исроилнинг 20 та танки мажақлаб ташланди, душманнинг солдатлари ва техникаси катта талафот берди.

Бизнинг қисмларимиз Сувайш каналининг шарқий соҳилини тўла эгалладилар. Душманнинг таянч пунктлари ҳимоячилари таслим бўлдилар. Бизнинг қисмларимиз порт Тофиқ Аш-шат, Ачиққўлнинг жанубий қисми, шарқий Исмоилия, Баллахни, порт Фуоддан жанубдаги ҳамма районларни озод қилдилар. Жуда кўп асир ва ҳарбий анжомлар қўлга олинди. Бизнинг бронетанк бўлинмаларимиз ва механикалашган пиёда аскар қисмларимиз Синай ярим ороли ичкарисига қараб бормоқда.

Бизнинг қўшинларимиз бугун эрталаб душманнинг Ал-Малайи, Бир-Тамаддаги аэродромларига, шунингдек «хок» ракеталари жойлашган ерларга, радар установкаларига ва шимолий ҳамда марказий секторларидаги команда пунтларига қаттиқ зарба бердилар. Шунинг натижасида мазкур иккита аэродром ёпилди, Бир-Тамаддаги аэродромда бир нечта вертолёт йўқ қилинди. Балуза, Бир-Тамада, гедида «хок» ракеталари батареялари, Умм-хошейба ва Умммаргамадаги команда пунктлари йўқ қилинди.

Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг бўлинмалари ўз вазифасини бажариб базаларига қайтиб келаётган самолётларимизнинг йўлини тўсишга уриндилар. Бизнинг самолётларимиз жангга кириб, Исроилнинг битта «фантом» самолётини уриб туширдилар.

Душман эрталаб каналнинг Миср томонидан ўтадиган йўлига осмонидан зарба беришга уринди кўрди, аммо муваффақиятсизликка учради. Миср ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари душман самолётларининг йўлини тўсдилар. Улар Исроилнинг бешта самолётини уриб туширдилар ва иккита учувчисини асир қилиб олдилар. Асирлар Исроилнинг ҳарбий ҳаво кучлари 6 октябрдан бошлаб Миср ва Суриянинг фронтларидаги жанговар операцияларда катта талафот берганлигини айтишди.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Исроил араб мамлакатларига, Миср ва Суриягa қарши агрессияни зўр бериб давом эттириб келганлиги натижасида Яқин Шарқда уруш ҳаракатларини яна бошланиб кетди. Бу ҳол Исроилнинг ҳукмрон доиралари араб территорияларини босиб олиш, Яқин Шарқдаги можаронинг одилона ҳал этилишига тўсқинлик қилиш сиёсатини давом эттириш ниятида эканлигини бутун дунёга аён қилиб қўймоқда. Улар Хавфсизлик Кенгашининг ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорларини бажаришдан ўз ниятасига бош тортаётганлиги ва қўшни араб мамлакатларига қарши ҳарбий игғорларилигини тўхтатмаётганлиги Исроилнинг Яқин Шарқдаги сиёсати агрессив сиёсат эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Вазият кескинлашганлиги учун жавобгарлик Исроилнинг ҳукмрон доиралари устига тушади. Чунки улар агрессияни тўхтатиш тўғрисида жаҳон жамоатчилигининг талабларини назар-писанд қилмадилар.

Исроил ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг можарони сиёсий бартараф қилиш учун юборган вакили Г. Ярринг миссиясини барбод қилганлиги ва айни вақтда ўзининг қуролли кучларини тўплайберганлиги ва модернизация қилаберганлигини ҳарбий-саноат потенциалини кенгайтираверганлигини, оккупация қилинган араб ерларида Исроилнинг ҳарбий манзилгоҳларини вужудга келтираётганлигини халқаро жамоатчилик яхши билади. Исроил авиацияси Мисрнинг ичкари районларига, унинг заводлари, мактаблари, электр линияларига, фаластинлик қочқинларнинг лагерларига ҳужумлар қилганлигини тинчликсевар халқлар унутганлари йўқ.

Империалист кучлар ва халқаро сионизм қўллаб-қувватлаётган Исроил агрессорлари араб мамлакатларидаги прогрессив режимларни агдариб ташлашга, ўзларининг узоққа мўлжалланган экспансиячилик планларини амалга оширмоқ учун зарур бўлган ва портлаш хавфини тугдираётган ҳолатни Яқин Шарқда сақлаб туришга интилмоқдалар.

Исроил агрессиясининг оқибатларини тугатиш ва босиб олинган араб территорияларининг ҳаммасидан Исроил қўшинларини чиқартириб юборишга эришиш учун араб халқлари олиб бораётган курашни совет халқи, бутун дунёдаги демократик ва тинчликсевар кучлар хайрихоҳлик билан ҳамиша қўллаб-қувватламоқдалар. Совет кишилари Яқин Шарқ можаросини одилона бартараф қилишни муттасил талаб қилиб келдилар ва талаб қилмоқдалар, бу йўлда кўрилган чораларнинг ҳаммасини актив равишда қўллаб-қувватлаб келдилар. Исроил ҳукмдорлари аҳл-идроқ овозига қулоқ солмадилар. Яқин Шарқда яна қон тўкилаётганлиги учун, Яқин Шарқдаги танглик хатарли кескинлашиб кетганлиги натижасида халқлар бераётган қурбонлар учун Исроил ҳукмдорлари тўла равишда жавобгардирлар.

Тинчлик ва халқаро бирдамлик принципларига содиқ бўлган совет кишилари Совет ҳукуматининг Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликка эришишга қаратилган сиёсатини қизғин равишда маъқуллашмоқдалар. Яқин Шарқда ўрнатилаётган тинчлик оккупация қилинган араб ерларининг ҳаммасидан Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетишга, шу райондаги барча давлатларнинг ва халқларнинг, шу жумладан фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини таъминлашга асосланиши лозим.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитети барча тинчликсевар кучларга, барча демократик ташкилотларга ва ҳаракатларга мурожаат қилиб, уларни ўз мамлакатларининг озодлигини, мустақиллигини ва территориал бутунлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Миср ва Сурия халқларининг мардонавор курашини қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, чақиради.

Яқин Шарқда тинчлик ва адолат тантана қилмоғи лозим!

ЯНГИ МАРРАЛАР

Илғор хўжаликлар, бригадалар, механизаторлар ва теримчилар оширилган мажбуриятлар олиб, пахта тайёрлаш суръатини кун сайин кучайтираётирлар. Қўшқўлир районидаги «Москва» колхозининг Ленин орденли Аҳмаджон Матёқубов бошлиқ бригадаси чўлқуварларни қўриқ ерда мўл ҳосил етиштириб, пахта тайёрлаш планини беш иш кунида бажарган эдилар. Бу — машиналар мўъжизасидир. 51 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 33 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Дастлабки мажбурият 40 центнер эди, олий мукофотга жавобан, 50 центнерли марра белгиланди. Манзил сари от қамчиланяпти. Шу райондаги Калинин номли колхознинг Ўдам Ҳасанов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси янги ўзлаштирилган 57 гектар қўриқ ердан баракали хирмон кўтарди. Планда белгиланган 22 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 50 центнердан дурдона йиғиб олиш мўлжалланмоқда, ҳозир эса ҳосилдорлик 30 центнерга яқинлашиб қолди.

Боғот ва Янгиариқ районларининг илғор бригадалари ҳам оширилган мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Боғот районидаги «Коммуна» колхозининг коммунист Қодир Разоқов бошлиқ бригадаси планни бажариб, 60 центнерли довонга жадал одимлаяпти. Бу парвозда техника қанот бўлаётир. Янгиариқлик механизаторлардан Рустам Собиров, Тоҳир Иброҳимов ва бошқалар мажбуриятни 400 тоннадан 500 тоннага ошириб, машина теримида юқори унумдорликка эришмоқдалар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РАПОРТЛАР ОҚИМИ

КИРОВ. «Искра» колхози пахтакорлари маррага етдилар. Ўруғлик пахта етиштирадиган бу хўжалик гектаридан ҳозиргача 28 центнердан хирмон кўтариб, Ватанга 2800 тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этди. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Колхоз меҳнат аҳли гектаридан яна 12 центнердан ҳосил йиғиб-териб олишга аҳд қилган.

Райондаги «Москва» колхози ҳам биринчи довондан ошди. Ватан хирмонига 3700 тоннадан зиёдроқ қимматли хом ашё топширилгани ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекилди.

Пешқадам Фарғона райони хўжаликлари ҳам бирин-кетин юксак марраларни эгалламоқдалар. Ленин номли, Охунбобоев номли, «Ғалаба» колхозлари областдаги пешқадам хўжаликлар қатори пахта тайёрлаш планини ошириб адо этдилар. Бу хўжаликларда пахта йиғим-терими юқори суръат билан давом этмоқда.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Совет Ўзбекистони» йўлланмаси билан

Асқад МУХТОР,
Пиримқул ҚОДИРОВ.

МАРДЛАР МАЙДОНИ

УФҚҚА БОРИБ туташган улуғвор текислик афсонавий паҳлавонлар курашадиган азим майдонга ўхшайди. Ўнлаб, ҳатто юзлаб километр масофада бирор тиккайган тепалик ёки адир учратмайсиз. Табиат бу ерларни гўё атайлаб улкан бир сайхон қилиб яратгану, кейин уни тўлдириб кураша оладиган паҳлаволарни кутган. Аммо, муносиб паҳлавонлар келавермагач, бу поёнсиз кенгликлар асрлар давомида чўл бўлиб қовжираб ётган.

Мирзачўл бизнинг замонамизда мардлар майдонига айланди. Халқимиз бутун бир дарёни чўлга бошлаб келиб, янги водий яратди. Сирдарё бу водийга фақат сувини эмас, ўзининг ажойиб номини ҳам ато этди.

Сирдарё водийси бугун худди Фарғона, Зарафшон, Сурхон водийларидек саҳий ва обод. Аммо қадимий воҳалар минг йиллар давомида яратилган бўлса, Сирдарё водийси бизнинг кўз ўнгимизда — беш йилликлар давомида барпо этилди. Шунинг учун замонамиз қаҳрамонларининг энг ёрқин фазилатлари, яратувчилик ва ижодкорлик иқтидори, давримизнинг илғор руҳи бу водий кишиларининг ҳаётида ва фидокорона меҳнатида кўзга жуда яққол ташланади.

Замон руҳи! Унинг таъсир доиралари кўп ва бениҳоя. Жамиятимизнинг барча қатламлари, ҳаётимизнинг барча соҳаларида сезилаётган ишчи синфи шонли анъаналарининг кутлуғ нафаси — бунинг аён нишонасидир. Қадимий, отамерос касбимиз — пахтачилик борасида бу таъсирнинг олижаноб самаралари худди мана шу янги водий тимсолида айниқса тиниқ кўринади.

Республиканинг бу энг ёш областида ишчи синфининг жанговар отряди, кўп минглаи саноат коллективлари вужудга келди. Янги областнинг пахта хазиналари, гуркираган боғроғлари, ҳали очилмаган «олтин сандиқлари» унинг янада қудратли индустриал келажагини кўз-кўз қилиб турибди.

Маълумки, даҳшатли афсоналар билан чулғанган бу қадимий ерлар улуғ Ленин даҳоси билан уйғонган эди. Доҳий унинг бугунги қиёфасини тасаввур этганида балки худди мана шуни — шонли ишчи синфи анъаналарининг кенг қамровли таъсирини кўзда тутгандир, чунки Ленин энг ёрқин гояларни олга сурганда шу революцион синфнинг маънавий сифатларига таянар эди.

Ҳозирги Мирзачўл — меҳнаткаш қўллар яратган меҳнаткаш водий. Унинг яратилишидаёқ мислсиз миқёслар, қудратли машиналар — пахтачиликнинг индустриал замини кўзда тутилган. Бу ернинг деҳқон авлоди кўз очиб техникани кўрди: чўлни ўзлаштириш кунларидан бошлаб ер текисловчи, йўл қурувчи, зовур қазувчи, қувур ётқизувчи, кўчат ўтқазувчи, ҳосил йиғувчи машина моторларининг гувиллаши унинг қулоғига таниш. Областда давлат хўжаликларининг кўпчилигини ташкил этиши ҳам деҳқончиликдаги замонавий руҳни белгиловчи омиллардандир. Бу хўжаликлар йирик саноат корхоналари билан ёнма-ён ва доимо ҳамкор, саноат ва қишлоқ хўжалик коллективларининг аҳиллиги, бир-биридан манфаатдорлиги бу ерда жуда конкрет кўринади. Ерни ўзлаштириш ва айни вақтда ундан ҳосил олиш параллел давом этиб, ҳаёт жуда кўп турли-туман ва энг замонавий касб эгаларининг бирга ишлашини тақозо этади.

— Қай биримиз ишчию, қай биримиз деҳқон — гоҳо ажратолмай қоламиз, — дейишади бу ернинг одамлари.

Пахтачиликдаги замон руҳининг яққол белгиларидан бири — областда терим муддатларининг гоят қисқариб кетаётганлигидир. Ирмоқлар сойларни, сойлар эса қудратли дарёларни вужудга келтирганидек, бир неча йил аввал пайдо бўлган «қисқа фаслли» бригадалар кейинроқ шундай бўлимларни, бутун-бутун хўжаликларни, ҳозир эса районларни вужудга келтирди. Бу — ҳозир бош тенденция, оммавий тус олаётган воқеа. Терим планини бир, икки, уч ҳафтада бажарган (Ленин номли, Саркисов номидаги 22 а. «Комсомол» ва бошқа) совхозлар бу йил терим муҳлатини 18-20 иш кунига қисқартирган Дўстлик, Мирзачўл каби районларни вужудга келтирдики, эндиликда бу машаққатли фаслни бир ойдан оширмайдиган областлар ҳақида гап юритишга асос бор. Бунинг пахтачиликда катта революцион жараён эканлиги ҳаммага тушунарли: — бу ҳосилни табиий тасодифлардан қутқазиш, унинг юксак сифати, катта даромад, тадрижий юксалиш деган сўз.

Бир неча ҳафталик терим фасли — бу, албатта, аввало механизация самараси. Юқорида эсланган хўжаликлар ва районлар ҳаммаси ўз планларини фақат машина теримини билан бажардилар. Аммо машина терими ўзи бўлмайди.

— Ерни, техникани, одамларни бунга тайёрлаш узоқ ва мураккаб жараёндир, — дейди Мирзачўл район партия комитетининг биринчи секретари Сатай Керимов, — теримни айни мавридида бошлаш, деҳқонча сабр-тоқат, ўз-ўзига ишонч, космонавтларча шаҳду шайлик керак. Йигирма иш кунига йил давомида тайёрлик кўрилади. Машиналарни соат механизмидай аниқ ишлайдиган қилиш учун ихтисос маҳорати, меҳнат савияси талаб этилади.

Ҳақиқатан ҳам касб маҳорати, меҳнат савияси индустриал замона руҳига мос келадиган механизаторлар Сирдарё водийсида ҳозир зардбор бир сафдир. Тўлан Дадажонов, Аҳмаджон Валиев, Мусулмон Кепаков, Райҳон Мусаева кабилар машина теримининг ўртача салмоғини йилдан йил ошираётган ҳақиқий миришкорларидир. Мана, комбинезон кийган жажжигина қувноқ қиз, ҳозирдан 350 тонна пахта териб қўйган механик-ҳайдовчи Гулсара Умарова. Еш авлоднинг етук вакили, совхоз комсомолларининг етакчиси. У «Ўзбекистон» машинасининг техника хусусиятларинигина эмас, унинг ижтимоий моҳиятини ҳам чуқур тушунади:

— Бу — кетмон ё этак эмас; агрегатнинг ярим соат тўхтаб қолиши бир неча тонна пахтанинг терилмай қолиши деган гап. — деб тушунтиради у сафдошларига.

Бу ҳам айни замона руҳи. Гулсаранинг бу гаплари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг яқинда Тошкентда айтган бел курак билан экскаватор ҳақидаги ҳикматли сўзларини эслатади. Шодиевларнинг издошлари ака-ука Ҳалиловлар ҳам, совхозга механик-ҳайдовчи бўлиб ёрдамга чиққан шаҳарлик йигит Раҳмон Маматқулов, ўктам Жобировлар ҳам яхши тушунадики, ҳозирги шароитда бир машина юзлаб ёрдамчининг ўрнини босади. Демак, ёрдамнинг ҳам эски шакллари ортда қолмоқда.

ИШЧИ-ДЕҲҚОН, шаҳар-қишлоқ ҳамкорлигининг янги эффектив кўринишлари шу ерда, Сир водийсида тугилмоқда. Ширин шаҳри билан «Ширин» совхози аҳолисининг меҳнатда елкадошлиги, маънавий аҳиллиги ҳақида завкланиб гапирадилар. Темир-бетон конструкциялар комбинатининг ишчилари «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механизаторларига ажойиб комплекс ёрдам уюштирдилар.

Умуман терим агрегатларининг муттасил ишлаши областда ҳамманинг диққат марказида. Бу ерда ана шу ажойиб машиналар ишини кечаю кундуз координация қилиб турадиган штаб тузилган. Минглаб агрегатларнинг ҳар қадами, ҳар соати штабнинг таҳлилидан ўтади.

Бундай шароитда йирик хўжаликларга Мамажон Дадажонов, Инобат Охунова, Жавод Кўчиев сингари механизация усталарининг бошчилик қилиши ҳам табиий, бу ҳам замон руҳига мосдир.

— Механизатор бўлмаган пахтакор қолмайди, — дейди Мамажон Дадажонов, — умуман, Мирзачўл ҳозир пахтачилик лабораториясигина эмас, шу билан бирга кадрлар университети ҳамдир.

Бу кадрларнинг энг етук раҳбар отряди областнинг партия ходимлари.

Область партия комитетининг секретари Ислом Умаров яқингинадаги биринчи ёмғирли кечани эслайди:

— Дўстлик районига байроқ топшириш тантанаси тугаб, эндиги вазифалар ҳақида гаплашаётган эдик. Бирдан деразалар тарақлаб қолди. Шамол, ёмғир. Чироқлар ўчди. Ҳаммамиз ҳирмонларга, пунктларга югурдик. Йўлларда тележкалар тирбанд, бунтларда транспортерлар тўхтаган... Ёмғирни ҳам, туннинг ўтганини ҳам пайқаганимиз йўқ. Коммунистларимизга офарин! Саросимага ҳам, пахтанинг нобуд бўлишига ҳам, процентнинг тушиб кетишига ҳам йўл қўймадилар, иш кунини тонгга бориб якунладик.

Оқилона босиқлик, ўз кучига ишонч, ҳақиқий деҳқончa ҳаваскорлик, саҳоват бу ерининг етакчиларига жуда ярашади. Улар юрагининг кенглиги уфққача ястаниб ётган яхлит текис қенгликларга монанддир. Ҳамма нарса кафтдагидек намоён: янги совхознинг нав-нихол боғлари, узоқдан гужум сададек кўринган мовий кемалар, оппоқ янги посёлкалар...

— Бизда ишлаш ниҳоятда завқли, янги ер очишнинг бошқача бир гашти бор, — дейди Дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари Расулмат Хусанов, — кўриб турибсиз — қилган ишимиз яққол кўзга ташланади. Мана бу район маркази, бу хиёбонлар, бу проспект, бу университет, бу боғлар яқинларда ҳам йўқ эди...

Буларни кўриш чиндан ҳам завқли! Аммо биз биламизки, бу буюк ишнинг ташвишлари ҳам битмас-туганмас. Мана, биринчи совуқ тушди, эрталаб қиров қалин. Машиналар соат 10 ларгача эгатга киролмайди. Кўп агрегатлар ҳали электр жиҳозлари билан таъминланмаган. Қош қорайди дегунча тақатақ тўхтайди. Далалар эса оппоқ... Тележкалар етишмайди, бункер агдаришга қулайлик тугдирувчи эстакадалар йўқ, ҳайдовчиларни чангдан сақлайдиган униформалар одатга кирмаган. Тўла машина теримига ўтиш — бу хилдаги катта-кичик муаммоларни ҳал қилишни қатъий талаб қилмоқда.

Пахтамиз — умумхалқ бойлиги. Мамлакатга кўплаб пахта етказиб бериш — республикамиз меҳнаткашларининг интернационал бурчи. Мана шу бурчни бажаришнинг энг илғор, энг замонавий йўли — мумкин қадар кам куч сарфлаб, кўп пахта етиштириш, ишнинг оғирини техникага юклаб, одамларнинг мушкулини осон қилиш, ҳар бир кишининг жисмоний кучидан кўра ақлини кўпроқ ишга солиш. Чунки инсоннинг жисмоний кучи чеклангап, лекин ақлий имкониятлари, ижодкорлик қобилиятлари бениҳоядир.

Дўстлик районида бу йил янги боғ-совхоз ташкил этилди. Баҳорда юзлаб гектар ерга нок, олхўри, беҳи, олма, шафтоли кўчатлари, йўл бўйларига сал кам миллион туп терак кўчатлари тикилди. Бу ишларни қўл кучи билан қилишни тасаввур этиш қийин. Янги ерларда ишчи кучи қадрли. Бу ишлар механизация ёрдамида юксак савия ва маҳорат билан қилинмаганда, кўчатларнинг жуда кўпи қуриб қолиши ҳам мумкин эди. Мана, баҳор ва ёз ўтди, моҳир механизаторлар ўтказган юз минглаб кўчатлар бир текис кўкариб, чўлга зеб бериб турибди.

Уфқи кенг, улуғвор текислик — бир вақтлар чўл бўлган Сирдарё водийси — шу кунларда байроқдор, яловбардор пахтакорларнинг меҳнати билан гуркираб, тарихий қурашлар ва ажойиб зафарларга макон бўлмоқда. Янги ерлардан давр нафаси, замон руҳи уфуради, порлоқ истиқбол машъаллари нур сочади.



СИРДАРЁ область Ворошилов районидаги «СОЦИАЛИЗМ» совхозининг заршуносларидан давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида куни кеча ғалаба рапорти бердилар. Ҳозир совхоз пахтакорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари ҳисобига ҳосил топширмоқдалар. Совхозда яппи ҳосил 16 минг тоннага етказилади ва ҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтарилади. Суратда: 2-бўлимнинг илғор бригада бошлиғи Убайдулла (чапдан), механизатор Ҳабибулла Отақуллаевлар, шу бўлим агрономи Деҳқон Раупов, совхоз директори Зиёдулла Сатторовлар пахта даласида.

А. Тўраев фотоси.

СИРДАРЁ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ГУЛИСТОН. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали). Сирдарё области дала гвардиячилари машина терими йиллик планини 25 иш кунида бажардилар. Машиналар бункеридан 325 минг тонна «оқ олтин» тўкилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан машиналарда 60 минг тонна кўп пахта терилди. Область пахта далаларида 5 мингдан ортиқ «зангори кема» муваффақиятли ишламоқда.

Мирзачўл дочиклари, машҳур механизаторлар Тўланбой Дадажонов, Фармонқул Раҳмонқулов, Мусулмон Кепаков, Босим Бозоров, Маҳмуд Сафаров, Келдибек Исматов, Ҳасан Маъмуров, Мўмин Ўринбоев каби ўнлаб «зангори кема» капитанлари бункерлардан 200-500 тоннадан дурдона тўкдилар. Уларнинг шонли изидан юзлаб сергайрат механизаторлар бормоқдалар. Дала гвардиячиларининг меҳнатдаги ажойиб ютуқлари туфайли қўриқ Мирзачўлнинг ўнлаб совхозлари юз процент ҳосилни машиналарда териб олмоқдалар.

КОРАҚАЛПОҒИСТОНДА БИРИНЧИ

ХЎЖАЛИ. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Ленин номли колхоз пахтакорлари Қорақалпоғистон Автоном республикасида биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. 1360 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил кўтариб, она-Ватанга 3800 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» армуғон этдилар. Териб олинган ҳосилнинг ярмидан кўпроғи «зангори кема»ларда териб олинди.

Қ. Жуманов, Х. Жумамуродов, А. Раимов, Б. Дурдиметов, Ў. Новшаева, И. Отажонов бошлиқ бригадаларда 38-42 центнердан ҳосил олинди.

СОҲИБКОРЛАР СОВҒАСИ

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область соҳибкорлари узум сотиш халқ хўжалик планини 103,5 процент қилиб бажардилар. Давлатга 8 минг 700 тонна узум топширилди. Бу зафарга Хўжаобод, Марҳамат, Ленин районлари соҳибкорлари катта ҳисса қўшдилар.

Областда мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрлаш йиллик планлари ҳам муваффақиятли бажарилди.

СУРЪАТ СУСТ БЎЛГАЧ...

Тўққизинчи беш йиллик Бухоро области деҳқончилиги тарихида янги зарварақлар очади. Бу ерда қудратли мелиорация ўзининг чинакам мўъжизасини кўрсатади. Хўш, бу мўъжиза қандай туғилади? Аму сувини 70 метр баландликка кўтариб қум барханлари оша бепоён Зарафшон воҳасига етаклаб келган Аму-Бухоро ва Аму-Қоракўл каналлари ишга туширилганига ҳали кўп бўлган эмас. Бу оби-ҳаёт наҳрлари Бухородаги асрий сув танқислигига маълум даражада чек қўйди.

КПСС Марказий Комитети ана шунга бағишланган махсус қарор қабул қилиб, область деҳқончилигининг оғир ахволдан чиқиш йўлларини очиб берди. Ирригация ва мелиорация қурилишлари учун қарийб 40 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада коллектор-зовурларнинг ялпи узунлиги 3 минг километрдан ошиб кетди. 100 километрдан зиёд узунликдаги каналларнинг ўзани бетонлаштирилди. Гигант Шофиркон гидроузели. Тошрабод сув ташламаси, Бош Қоракўл, Денгизкўл, Емонжар, Ғарбий Ромитан ва бошқа кўплаб коллекторлар ишга туширилди.

Ирригатор ва мелиораторлар зиммасида янги катта вазифалар турибди. Чунки келгусида областда йилига ярим миллион тонна пахта етиштириш истиқболларини очиш проблемаси қўйилди. Бунинг учун аввало Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбатини барпо этмасдан туриб, бундай катта ҳосилдорликка эришиш мумкин эмас. Шу мақсадда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати қурилишини тезлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Йирик сув иншоотини қуриб битказишга 144 миллион сўм маблағ ажратилди. 233 километрли канал секундига ўз ўзанидан 254 куб метр сув ўтказиб, областда тагин 73 минг гектар майдонда суғориш ишларини яхшилашга, 20 минг гектарга яқин янги ерларни ўзлаштиришга имкон беради. Шу ҳисоб-китоб бўйича Зарафшон дарёсининг ортиб қоладиган сувидан Самарқанд ва Қашқадарё областларида бемалол фойдаланиш мумкин бўлади.

«Амубухараканалстрой» бошқармасида бўлиб, жуда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган машина канали қурилишининг қандай бораётгани билан танишдик. Бошқарма партия ташкилотининг секретари Н. Турсунов ва бош инженер И. Солиев ўртоқлар қурилишдаги мавжуд етар-етмасликлар ҳақида гапиришди.

— Ҳал қилувчи йилда асосий ишлардан ташқари Шофиркон районидаги «Ильич» совхози учун 300 гектар янги ер ўзлаштириб бериш ва 2068 квадрат метр уй-жой қуриш мажбуриятини олганмиз, —дейди Н. Турсунов, —бироқ, тўғрисини айтганда, зиммамизга олган юксак мажбуриятларимизнинг бажарилиши кўнгилдагидек эмас. Канал қазиш, юз километрли марказий канал ўзанини реконструкция қилиш бўйича планлаштирилган топшириқлар ошириб бажарилаётган бўлса-да, асосий тўғонлар, гидроузеллар ва насослар қурилиши графиги орқада қолаяпти.

Бунинг устига «Юкпромтоннаж» трести «Қизилтепа» насос станциясида иккита кўтарма крани қарийб бир ой кечикиб монтаж қилмоқда. «Узглавводстрой» бош бошқармаси 30 та «Зил», «ММЗ-555» маркали юк машиналари, 4 та бетон ва цемент ташувчи машина, 10 та автобусни бошқарма ихтиёрига ажратиши керак эди. Лекин бу машиналардан ҳали-бери дарак йўқ. Махсус қурилиш ташкилотлари, «Промвентиляция» трестининг Бухоро участкаси қурувчилари аллақачон иш фронти очилганига қарамай, станциялардаги вентиляция ускуналарини ва кондиционерларни монтаж қилишга кеч киришаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Ўтган йили кучланишли труба ўтказгичлари ва металл конструкцияларини 1359 тонна кам етказиб берган Тошкент сизов-тажриба механика заводи бу йил ҳам буюртмалар жўнатишни асоссиз равишда орқага сурмоқда.

Бошқарма кадрлар бўлими бошлиғи Мухтор Мирзахўжаевнинг айтишича, 1973 йилнинг биринчи кварталида қарийб 300 ишчи, инженер-техник ходим турли сабаблар билан ишдан бўшаб кетган. Биз бунга таажжублангандик, бошлиқ бепарво оҳангда қўшиб қўйди:

— 300 ишчи биз учун унча катта рақам эмас. Аввало, 300 ишчи кетган бўлса, унинг ўрнига 375 киши қабул қилганмиз. Сон жиҳатдан ютқизмаяпмиз.

— Сифат жиҳатдан-чи? — сўраймиз ундан.

— Бу, бошқа гап! — тасдиқлайди М. Мирзахўжаев. — Бўшаб кетган тажрибали ишчининг ўрнини босувчи ёш ишчини тарбиялаб, унга касб-ҳунар ўргатгунча анча вақт керак...

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Аму-Бухоро канали иккинчи навбати қурилиши ҳақидаги қарорида таъкидланганидек, Аму сувини Бухоро воҳасига етаклаб келувчи йирик машина канали белгиланган муддатда, сўзсиз ишга туширилиши керак. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи, қурилиш-монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари ва асбоб-ускуналар билан таъминловчи барча корхоналарнинг коллективлари ана шунга яраша меҳнат қилишлари, қурилиш суръатини кескин оширишлари лозим.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ИЛК МУҲАББАТ КАБИ

Саратон ловуллаб
Қуёш қурасида
Енар эди кундар... —
неча эмасми?!
Яна кириб келди
оқ карвони билан
Олтин фасл,
Оқ олтин фасли.
Сарин еллар билан,
Кумуш тонглар билай,
Мисли бўйга етган бетоқат сулув,
Ениқ,
Ҳаяжонли юракларимизга
Илк муҳаббат каби кириб келди у.
Ғалати туйғу бу:
кўҳна, ширин, янги...
Илк бор кўргандайман
кузни, далани,
Ҳамма нарса сендан ёш кўринар,
Е шундай ширинми шунинг аламн?..
Болаликда,
Қўл узатсам,
Бирдан
Қуёшдай кўриниб
очилган чаноқ,
Бутун софлиги-ла қалбга урилардн,
Она меҳри каби нлиқ ва юмшоқ...
Ҳозир кенг далалар қайнаб ётса ҳам,
Тонгдан агрегатлар солса ҳам гулув,
Шу катта ҳаётнинг ўтли юрагида
Сира эскимабди шу сокин туйғу.
Ҳа, шовқинли мотор қудратидан,
Энг нозик туйғулар,
Эзгу армонлар,
Ҳарир толалардан,
Огир тонналардан
Уйилади бизнинг хирмонлар.
Ватан ҳам,
Биз кутган бахтли кун келиб,
Тог-тог пахтамизни қабул этган чоқ
Каттакон қалбида бир ҳис сезса керак:
Она меҳри каби
нлиқ ва юмшоқ...

Асқад МУХТОР.

БЕЗАБДИ ОҚ ГУЛЛАР ДАЛАНИ

Сарин еллар,
Настарин еллар,
Кўсакларнинг лабин очасиз.
Чаноқларга офтоб нур тўкар,
Сиз эркалаб, ўпиб қочасиз.
Ҳар толани,
Гавҳар толани,
Куйламоққа қайноқ дилим бор.
Безабди оқ гуллар далани,
Менинг ҳам бир суйган гулим бор.
Бошда енгил, қизил дурраси;
Ҳилпиратар чўлнинг шамоли,
Беш юз тонна термоқ марраси,
Аҳди кўз-кўз қилар камолин.
Нур денгизи —
Дур денгизида
Дейди, қўлдан фурсатни берма.
Вақт жилови унинг измида,
Илдам сузар «зангори нема».
Сарин еллар,
Настарин еллар,
Кўсакларнинг лабин очасиз.
Чавандоз ёр дурдона терар.
Сиз эркалаб, ўпиб қочасиз.

Муҳаммаджон ҚУШОҚОВ.

Советлар мамлакатида

Электр дарёси

ДОНЕЦК. Углегорск ГРЭСи уч юз минг киловатт саноат токини берди. Унинг ишга тушиши билан электр станциянинг қуввати 900 минг киловаттга етди.

Ўлканинг электр дарёси тўлмоқда. Беш йилликнинг бошидан буён «Донбассэнерго» системаси қурувчилардан умум қувват 2 миллион 100 минг киловаттга тенг келадиган агрегатни қабул қилиб олдилар.

Мавсумда икки норма

ПУШКИНО. Озарбайжон ССРнинг бу районн хўжаликлари икки минг тонна пахтани машиналар ёрдамида териб тайёрлов пунктларига жўнатдилар. Йиллик планни бажарган район механик-ҳайдовчилари йиғим-терим суръатини сира бўшаштирмаётирлар.

Самад Вурғун номли колхознинг Х. Гезалов ва Ю. Алиев, Киров номли колхоздан А. Аманов, «Коммунизм сари» колхоздан П. Ахвердиев, Азизбеков номли колхоздан А. Исмоилов ўртоқлар бошлиқ бўлган комплекс механизациялашган бригадалар йиғим-теримда алоҳида намуна кўрсатдилар. Улар районда биринчи бўлиб планларини бажардилар ва мажбуриятлари ҳисобига пахта топширимоқдалар. Бу бригадаларнинг ҳар бири мавсумда икки йиллик нормасини бажариш учун курашмоқда.

Райондаги Тельман номли колхознинг илғор механик-ҳайдовчиси коммунист Магомет Мамедов жонбозлик кўрсатиб ишламоқда. У ҳар куни топшириқни икки баравар ошириб адо этаётир. Мамедов ҳозиргача 250 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб эл хирмонига тўкди. Ўзбекистонлик механизаторлар чақириғига биринчи бўлиб қўшилган бу механизатор мавсумда 350 тонна пахта териб беришга қарор қилди. Бу ўтган йилги терган пахтасидан 100 тонна кўпдир.

Эл дастурхонига

АШХОБОД. Ашхобод районининг Копеттог зонасидаги хўжаликлар давлатга қовун-тарвуз сотмоқда. Ҳозирдаёқ 16 минг тоннадан ортиқ шириншакар маҳсулотлар жўнатилди. Бу районда суғориладиган ерлардан 1700 гектарида қовун-тарвуз етиштирилади. Пахта, ғалла, мева, узумдан ҳам юқори ҳосил олинмоқда.

Ашхободлик полизчилар бу йил давлатга 17 минг тонна қовун-тарвуз сотишни мўлжалламоқдалар.

Кострома минерал сувлари

Костромадан 20 километр нарида қурилиб, миллий қаҳрамон Иван Сусанин номи берилган санаторий дастлабки даволанувчиларни қабул қилди.

Бу ерда иккита сув манбаи топилиши муносабати билан санаторий ташкил этилди. Тадқиқотлар сувлардан бирининг Тула курортининг машҳур «Краника» сувидан қолишмаслигини тасдиқлади. Иккинчиси эса Федосия минерал сувидан қолишмайди.

Ҳозирча бу санаторийнинг биринчи навбати ишга тушган, холос. Келгусида у янада кенгайтирилади ва ҳар йили етти мингга яқин киши даволанади. (ТАСС).



МОСКВА. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг биноси, чапда эса баланд қаватли уй-жойлар.
В. Чередницев фотоси, (ТАСС).

Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари изидан

НАМАНГАНЛИК ПАВЛОВЧИ

Шу йил январь ойининг ўрталарида Наманган область Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз аъзоси Камолжон Тургунов номига Волгограддан шундай мазмунда телеграмма келди: «Ҳурматли ўртоқ Тургунов, деб ёзилганди унда, жонажон шаҳримизни ҳимоя қилишда Сизнинг кўрсатган жасоратингизни волгоградлик кекса-ю, ёш-яҳши билади. Яқинда бутун мамлакатимиз буюк Сталинград жанги нинг 30 йиллигини нишонлайди. Ана шу катта тантананинг нишонлаш аёмларида шахсан иштирок қилишингизни сўраймиз.

Салом билан Волгоград шаҳридаги Сталинград жанги ветеранлари уюшмаси».

Қаҳрамон шаҳардан тез-тез келиб турадиган бундай хатлар ва телеграммаларга, байрам табрикномаларига Камолжон ака ҳам, унинг ҳамқишлоқлари ҳам кўпдан-кўп қолишган. Айниқса, Совет Армияси ташкил этилган кун — 23 февраль ёки Ғалаба куни — 9 май яқинлашганда, Волгограддан К. Тургунов номига келадиган табрик телеграммаларга ва открыткаларнинг кети узилмай қолади. Уларни Камолжон ака нинг собиқ қуролдошлари, мактабларнинг қизил ястоларлари юборадилар. Хўш, бунинг боиси нимада?

Жанглар Сталинграддан 100 километр олисда борилаётганлигига қарамасдан, унинг совуқ нафаси Волга бўйидаги мўъжаз шаҳарга ҳам кепиб қолганди, чеҳралари ташвишли кишилар юз беришн мумкин бўлган воқеаларга тайёргарлик кўришарди. Камолжонларни шу кунниг ўзидаёқ пароходга ўтқазиб, Волганинг юқори оқимн бўйлаб олиб кетишди ва Дубовка районидаги резервда турган ҳарбий қисмлар қаторига қўшиб қўйишди.

Йигит шу ерда порох ҳидини биринчи бор татиб кўргандек бўлди. Тунда кўзлари уйқуга энди илинишн билан самолётларнинг кучли гулдуросидан, бирин-кетин портлаётган бомбаларнинг бўғиқ товушидан уйғониб кетишди. Душман самолётларининг уни ўчишн ҳамон ёрдамга югуришди. Кайси кўз билан кўришсинки, Камолжонлар пароходдан тушиб келишганларида яродорларнинг оҳ-воҳи эшитилган ва медицина ходимлари шоша-пиша кириб-чиқиб туришган ҳарбий госпиталь ўрнига улкан ҳовуз ҳосил бўлган, у билан ёнма-ён турган икки қаватли мактаб ҳам куйиб кулга айланган эди. Ёш жангчилар фашистларнинг разилликлари ҳақида кўп гап эшитган бўлсалар-да, лекин бунчалик пасткашликка боришларини ўйламаган эдилар. Қани энди шу дамда қўлларига қурол беришса-ю, жангга кириб бу жиноятларн учун боплаб ўч олишса.

Лекин ҳамма нарса тартиб билан борарди. Улар дарёнинг ўнг қирғоғидаги қуюқ ўрмон орасида яна бир ой ҳарбий тайёргарлик машқларини ўтадилар. Шундан сўнг, 1942 йилнинг 20 августида Сталинградга келдилар. Камолжон дарё соҳилидаги шаҳарни таний олмади, унинг аввалги қиёфасидан асар ҳам йўқ. Биронта бинонинг томи бутун қолмаган, боғлар вайронага, кўчалар хандақлар ва траншеяларга айланганди. Қора тамгали фашист самолётлари шаҳар осмонида калхатдек изғиб юришар, қаробага айланган бинолар узра қайта-қайта бомба ва ўқ ёмғирини ёғдиришарди.

Камолжонлар ротасига йигирма тўрт кишилик зарбдор группа тузиб, дарёнинг нариги қирғоғидаги шаҳарнинг немислар эгаллаб турган қисмига ўтиш вазифаси юклатилди. Бу группа фақат кўнгилларидан ташкил этилиши кераклиги кўрсатилган эди. Камолжон биринчилар қаторида зарбдор группага ёзилди.

Тун. Эндигина сентябрь охирларётганига қарамай совуқ шамол кишини бадан-баданидан тешиб ўтгандек бўларди. Йигирма тўрт бақодир тушган кема сув тўлқинларини ёриб дарё соҳилидаги жарлик сари оҳиста сузади. Кема тумшуғи қирғоққа урилиши билан жангчилар курол-яшёларини олиб, соҳил бўйлаб ўрмалардилар. Дарёдан ўн қадам узоқлашмасданоқ, командирлари— лейтенант И. Ф. Афанасьев бўғуқи билан окоп қазишга киришдилар. Тоғ ёришганида эса чуқур окопларга ўрнашган, қуролларини ҳар дақиқада ўқ отишга шайлаган совет жангчилари душман ҳужумини қайтаришга ҳозир бўлиб туришарди.

Тумшуқлари остида ўй берган ҳодисадан эрталаб бохабар бўлиб ғоят ғазабланган фашистлар қутуриб кетишди. Олдинига дўлдек ўқ ёғдиришди, кейинроқ эса кетмакет ҳужумга ўтишди. Бироқ, жангчиларимиз душманнинг ҳар бир ҳужумини мардона қайтариб туришди. Ҳар сафар совет солдатларининг шиддатли қаршилигига дуч келган гитлерчилар ўнлаб ўлик қолдириб, чекинишга мажбур бўларди.

Душман жангчиларимизга нисбатан стратегик жиҳатдан қулай позицияда турар, у ўрнашган тепаликдан дарё соҳилидаги зарбдор группамиз окоплари кафтдек кўринарди. Бу ерда бир кундан ортиқ дош бериш қийин эди. Шунинг учун ҳам командир Афанасьев шундай қарорга келди: қандай бўлмасин, жангчиларимиз окопидан 300 метрлар чамаси узоқликдаги бинони қўлга киритиш керак. У ўз фикри-ни қўл остидагиларга маълум қилди.

Қоронғу тушиши олдидан сўнгги ҳужумдан ҳолсизланиб қайтаётган фашистлар ортидан совет жангчиларининг қудратли «ура» садолари янгради. Бундай бўлишини сира кутмаган душман тамоман шошиб қолди, дурустроқ қаршилик ҳам кўрсата олмади. Мўлжалланган бино—шаҳар тегирмони эгалланди. Ҳужум шунчалик моҳирлик билан уюштирилдики, жангчиларимиз окопи ва тегирмон биноси оралиғида гитлерчиларнинг элликкача яқин жасади чўзилиб ётишига қарамасдан, зарбдор группа бир киши ҳам йўқотмади.

Шу куни ҳам тун бўйи жангчиларимиз тинмай меҳнат қилишди. Тўрт киши душман томонга қараган тешик ва дераза-ларда пойлоқчилик қилган бўлса, бошқалар навбат билан бинодан дарё тарафга қараб траншея қазий бошладилар. Бу иш фақат кечалари олиб борилди. Тўртинчи кун деганда траншея дарё лабига етиб чиқди. Ўтган ҳар бир кун давомида жангчиларимиз немисларнинг тўхтовсиз, деярлик ҳар соатда такрорлаган аёвсиз ҳужумларини қайтариб туришди. Бешинчи кун озиқ-овқат бутунлай тугади, ўқ-дорини ниҳоятда тежаб ишлатишга тўғри келди.

Саккизинчи кун деганда дарёга уланган траншеядан озиқ-овқат ва энг муҳими—ўқ-дорн етиб келди. Дарёнинг нариги чеккасидан зарбдор группага тегирмондан 150 метр узоқликдаги бинони эгаллаш юзасидан топшириқ берилди. Топшириқни бажаришга киришишдан илгари сержант Я. Ф. Павлов бошлиқ тўрт кишилик разведкачилар группаси ўша бинодаги вазиятни икки тун давомида синчиклаб ўрганди. Сўнгра, зарбдор группа жангчилари кучли штурм билан бинони эгаллади. Шу кучги жангда тўрт баҳодир жангчи, жумладан, қашқадарёлик мард тожик йигити Турдиев ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Сержант Яков Федотович Павлов бинога биринчи бўлиб, ёриб кирди. Жангчиларимиз бу бинони душманнинг кеча-кундуз қилган тўхтовсиз ҳужумларини қайтариб, 58 кун мобайнида ўз қўлларида сақлаб турдилар. 25 ноябрь, яъни Сталинградни гитлерчилардан тамоман озод қилиш учун катта жанглар бошланган дақиқада бутун фронт бнлан бирдаликда яна олдинга интилдилар.

Бу вақтга келганда йигирма тўрт азаматдан атиги ўн икки киши тирик қолган, уларнинг ҳам ярми яродор эди. Шу куни Камолжон ҳам сержант Павлов ярасини боғлаётганида оёғига ўқ тегиб йиқилди. Саратовда 3 ой даволангач, яна жангга кирди. Украина ССР ва қўшни Венгриянинг катор шаҳар ва қишлоқларини душмандан озод қилишда қатнашди. Германиянинг Магдебург шаҳригача қўлда қурол билан кириб борди.

Улуғ Ватан уруши ғалабамиз билан тамом бўлгач, қадрдон қишлоғи—Қаросконга қайтиб келди, механизаторлик қилянти. Камолжон акани тез-тез қаҳрамон шаҳарга таклиф этиб турчшади. У урушдан кейин тўрт марта волгоградликлар меҳмони бўлди. Охирги бор эса буюк Сталинград жангининг 30 йиллиги нишонланган кунларда қаҳрамон шаҳарга таширнф бўюрди. «Солдат шуҳрати уйи» («Павлов уйи») деворига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган 24 қаҳрамон, СССР халқларининг 11 миллат вакиллари орасида ўзининг ҳам номини ўқиб, терисига сиғмай қувониб кетди.

С. ҚОДИРОВ.
О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбирлари.

БАЛАНД ИМОРАТЛАР

Бульдозерларнинг шовқин-сурони ва экскаватор чўмичларининг жарангласи Самарқандда еттинчи янги уй-жой комплекси қурилиши бошланганлигидан дарак берди. Бу комплекс вокзалдан шаҳарнинг марказн сари борадиган Октябрь кўчасида барпо этилмоқда. Бу ерда шаҳарнинг 25 асрлик тарихида биринчи марта «бўйи» 8-9 қават келадиган уйлар барпо этилади.

150-қурилиш трестининг коллективи ўтган асрлардан қолиб кетган кўхна иморатларни бузишга ва ер ости коммуникациялари — иссиқлик трассаси ва канализация ўтказишга киришди. Биринчи блок — олтита саккиз қаватли, ўн иккита тўрт қаватли бинодан иборат бўлиб, мана шу беш йилликдаёқ фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Ана шу микрорайондаги бошқа учта блокда ҳам тўққиз қаватли уйлар қад кўтаради. Янги микрорайонда болалар боғчаси, савдо ва маданий-маиший корхоналар қуриш кўзда тутилган. Биринчи баланд архитектура комплексининг муаллифлари — Тошкентдаги «Узниипградостроительство» институтининг меъморларидир.

Шаҳарнинг бош магистралларидан бири — Октябрь кўчасидаги янги қурилиш чой қадоқлаш фабрикаси районидан бошланиб, вокзал томонга аста-секин силжиб бормоқда. Самарқанд мадрасаларининг нақшлари асосида безатиладиган бу баланд уйлар кўчанинг ҳар икки томонида қурилади. Янги уй-жойларнинг асосий фонди икки хоналик, уч хоналик ва тўрт хоналик квартиралардан иборат бўлади. Лойиҳалаштирилган тўртта блокдан дастлабки иккитасигагина 26 минг киши кўчиб киради.

Ана шу уйлар панеллардан йиғилади. Бу панелларни Самарқанд уйсозлик комбинати ишлаб чиқара бошлади. Ана шу уйларда яшовчиларга ҳамма нарсанинг қулай бўлиши ва зилзилага қарши ҳимоя конструкциялари кўзда тутилган.

С. ФЕНЮТИН,
(ЎзТАГ мухбири)

Самарқанд шаҳри.

Спорт. Спорт. Спорт.

ТЕРМА КОМАНДА НОМЗОДЛАРИ

Алушта шаҳрида Бутуниттифоқ «Спартак» кўнгилли спорт жамиятн Марказий совети биринчилигн учун ўсмирлар ўртасида енгил атлетикачилар мусобақаси бўлди. Узбекистон ёшлари бу учрашувларда муваффақиятли қатнашдилар. Республикамиз терма командаси 8884 очко тўплаб РСФСР, Украина командаларидан кейин совриндор учинчи ўринни эгаллади.

Шахсий мусобақаларда ҳам вакилларимизнинг муваффақияти қайд қилинди. 200 метрга тўсиқлар оша югуришда Г. Вождаева шоҳсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди. З. Ахтямова, Г. Никифоров, В. Здобнов эса белгиланган программалар бўйича иккинчи ўринни олдилар. Улар мазкур спорт жамияти марказий совети терма командасига аъзо бўлдилар. Вакилларимиз мамлакат терма командаси аъзолигига номзодлар сифатида навбатдаги мусобақаларга тайёргарликни бошлаб юбордилар.

АРМИЯЧИЛАР ФИНАЛДА

Москванинг ЦСКА командаси хоккейчилари Европа кубоги учун мусобақанинг финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Аввал хабар қилинганидек, армиячилар Европа чемпионлари кубоги учун биринчи ярим финал ўйинда Чехословакиянинг «Дукла» командаси хоккейчилари дарвозасига жавобсиз 6 тўп киритган эдилар. Иккинчи ярим финал ўйинда (Йиглава шаҳрида ўтган) армиячилар 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Финал мусобақада хоккейчиларимиз Швециянинг «Брюнес» командаси билан учрашадилар.

ЖАҲОН РЕКОРДИ

Ялта шаҳрида «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятн Марказий совети кубоги учун мусобақаларда ажиб рақам қайд қилинди. Усмирлар ўртасида Европа чемпиони Ю. Седих улоқтирган ядро 69 метр 04 сантиметр масофага бориб тушди. Бу, ўсмирлар ўртасида янги жаҳон рекорди ҳисобланади.

МАСОФАЛАҲЗАЛАР ИЗМИДА

Газетхонлар илтимосига кўра

Ворди-ю, узоқ шаҳардаги яқин дўстингиз ё танишингизни бирор байрам ёки туғилган куни билан табриклашни унутаёздингиз. Нима қилиш керак? Оз бўлса-да, ҳали ҳам вақт бор. Телеграмма юборилса-чи! Барибир у ҳам кечикади.

Мана шундай пайтда Тошкент шаҳарлараро автомат телефон станциясининг ходимлари мушкулингизни осон қилишади. Телефонингиз ёнида ўтириб автоматик равишда бир лаҳза: бир дақиқадан сўнг юзлаб километр масофадаги танишингиз билан бемалол суҳбатлашишингиз мумкин. «Қандай қилиб?» дейисизми. Яқинда худди мана шу ҳусуседа Тошкент шаҳарлараро автомат телефон станциясининг бош инженери Фанна Михайловна Форшайт билан суҳбатлашдик.

— Шаҳарлараро автомат телефон алоқасидан қандай фойдаланиш мумкин?

— Бу, оддий иш. Айтайлик, Тошкентдаги 32-14-24 номерли телефонда Минск шаҳридаги 22-66-55 номерли телефонни олмоқчисиз. Бунда аввало «8» рақами шундан кейин чақирилаётган шаҳар коди терилади. Минск шаҳрининг коди 017. Чақирилаётган абонентнинг телефон номери еттита рақамдан кам бўлса, у ҳолда абонент номери (масалан, 22-66-55) олдидан ноллар териш билан номер еттитага етказилади. Демак, сиз чақираётган абонент номери олдидан битта ноль терамиз. Шундай қилиб қуйидаги рақамлар системаси вужудга келади: 8-017-0-22-66-55.

Рақамларни тера бошлаймиз. Орадан 30-40 секунд ўтар-ўтмас узун сигналлар эшитилади. Марҳамат, Минск шаҳри!

Агар чақирилаётган телефон банд бўлса, қисқа сигналлар эшитамиз. Рақамлар аввал ёнма олиниб, сўнг терилса мақсадга мувофиқ бўлади. Номерлар терилаётганда улар орасидаги вақт тўрт секунддан ошмаслиги керак. Код ва абонент номери нотўғри терилган ҳолларда телефондан механик равишда «номер нотўғри терилди» деган овоз эшитилади. Бундай ҳолларда номерларни янгитдан теришни тавсия қиламиз. Тошкентдан чақирилиши мумкин бўлган шаҳарлар коди ва справкалар ҳақида 33-14-48 номерли телефонга мурожаат қилиш мумкин.

— Ҳамма ҳолларда ҳам бошқа шаҳар телефонлари шу йўсинда чақириладими?

— Йўқ, албатта. Тошкентдан 39-АТС телефонларида бошқа шаҳар абонентини чақириш учун аввал «9» рақамини териш керак. Бошқа ҳамма АТС телефонларида эса «8» рақам терилади. Киев, Горький ва Тошкент областининг шаҳарлари чақирилганда шаҳар кодидан сўнг чақирилаётган телефон номери нолларсиз терилаверади.

33, 44, 62, 66, 91-АТС телефонларида гаплашаётганлар чақирилаётган телефон номерини терганларидан сўнг дарҳол ўз телефон номерларини теришлари шарт. Масалан, Тошкентдан 33-12-53 номерли телефонда Самарқандаги 3-44-95 телефонини чақирмоқчисиз. Самарқанд шаҳрининг коди 366. Бу ҳолда юқоридаги талабларга амал қилиб, қуйидаги рақамларни териш керак: 8-366-00-3-44-95-33-12-53. Бир лаҳзадан сўнг сиз Самарқанд шаҳридаги дўстингиз ё танишингиз билан суҳбатлашаверасиз.

Суҳбатлашилган вақт, шаҳарлар чақирган ва чақирилган абонентларнинг номерлари, сўзлашилганлиги тўғрисидаги ҳақ счёти станциямизда автоматик усулда қайд қилинади.

— Шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланишнинг қандай афзалликлари бор?

— Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарлари билан автоматик усулда гаплашиш ахолига жуда катта қулайлик туғдирмоқда. Ҳозирги кунда улар республикамизнинг Андижон ва Фарғона, Термиз ва Бухоро каби ўн шаҳри билан, Иттифоқимизнинг 36 шаҳри билан ўз уйларида ўтириб гаплашаверадилар. Масофалар лаҳзалар ичида бўлиб қолди. Агар шу кунларда автоматик усулда гаплашаётган 46 шаҳар билан телефонистлар иштирокида алоқа ўрнатилганда эди, 350 ходим ишлаши керак бўларди. Ҳозир 40 ходим ишлаяпти, холос.

Шаҳарлараро автоматик алоқалар ўрнатилган 1972 йилнинг ўзидаёқ 70,8 минг сўм тежаб қолинди. Автоматик усулда сўзлашиш ҳозир шаҳарлараро телефон алоқаси умумий ҳажмининг 55-60 процентини ташкил қилянти. Шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси бу йил ҳам катта иқтисодий самара беради.

— Бу янгиликнинг истиқболлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Шаҳарлараро автомат алоқасини янада такомиллаштириш ва аҳолига телефон хизматини кундан-кунга яхшилаб бориш — асосий мақсадимиз. Режалар ҳақида гап кетганда, шуни таъкидлаш керакки, автоматик усулда шаҳарлараро телефон алоқаси тармоқлари кенгаймоқда.

Яқин йилларда Тошкент шаҳри билан Наманган, Қарши, Чирчиқ шаҳарлари ўртасида ҳам автоматик телефон алоқалари йўлга қўйилади. Кейинчалик, Иттифоқимиз шаҳарларидан ташқари Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳарлари билан, шунингдек, Самарқанд, Бухоро областларининг райолари билан ҳам автоматик телефон алоқаси ўрнатилади.

* * *

Тошкент шаҳарлараро автоматик телефон станциясидан қайтарканмиз, фан-техника ютуқлари одамлар хизматини енгиллаштиришда кенг қўлланилаётганидан фахрланиб борардик.

Р. ШЕРАЛИЕВ.



ЎЗБЕКИСТОН шаҳарлари бўйлаб. Суратда: Олмалиқ шаҳрининг Ленин кўчасида қад кўтарган «Китоблар уйи» биносининг кўринишн.
И. Глауберзон фотоси.

БУНЁДКОРЛАР ШИЖОАТИ

Республикамиз пойтахти йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бунёдкорлар азми билан янги-янги уй-жой кварталлари, муҳташам маданий-маиший бинолар барпо этилаётир. Бу қутлуғ ҳаракатда «Главташкентстрой»га қарашли 8-трест 4-қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари айниқса пешқадамлик қилишаётир. Улар ойлик ва квартал қурилиш топшириқларини ошириб бажармоқдалар.

Бошқарма қурувчилари шу кунларда шаҳримизнинг Ш. Руставели кўчасида йирик маъмурий бинони жадал тикламоқдалар. Бу бино Улуғ Октябрь байрамигача фойдаланишга топширилиши лозим.

— Қурилишда Хрис Карпузас бошлиқ гишт терувчилар коллективи ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда, — дейди 8-трестга қарашли 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бошлиги Б. Стригунов. — Хусусан, Х. Султонов, А. Рисқуллаев каби сергайрат гишт терувчилар кунлик топшириқларини 120—130 процент адо этмоқдалар.

Участканинг В. Сўхаставский бошлиқ дурадгорлар бригадаси эришаётган галабалар ҳам анча қувончлидир. Бу азаматлар топшириққа қўшимча қўплаб эшик, ром ва қолиплар ясаб, барчага ўрнак бўляптилар.

И. РУСТАМОВ,
Ф. ИСАЕВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 13.15 — **Чорраҳадаги кишилар** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ўқув кўрсатувлари. 19.15 — «Коммунист». 19.45 — Ахборот. 20.00 —Ўн минут музика. 20.10 — Ёзувчи ва замон. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Назм ва наво. 22.00 — МОСКВА «Вақт». 22.30 — Футбол: «Динамо» (Киев) — «Арарат» (Ереван). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 —ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 13.00—**Бадиий фильм.** 18.30 — МОСКВА. 20.00 — Реклама. 20.45— **Чорраҳадаги кишилар** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 22.20 — **Бадиий фильм.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 —Ўқув кўрсатувлари. 20.10 — **СЕНИНГ ЗАМОНДОШИНГ** (бадиий фильмнинг 1-сериняси). 21.05— Ҳужжатли фильм. 21.15 — Телефильм. 21.40 — Телеспектакль.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/X да **Лақма**, 11/X да **Жумагул** (кеч соат 7 яримда).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—10/X да **Беш куилик куёв** (кеч соат 7 яримда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Иван АНИСИМОВ** раҳбарлигидаги ўргатилган айиқлар аттракциони (кеч соат 7 яримда).

КИНО

Мен — Шаповалов — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номан. «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ўгай она — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ниқоллар (тоқ соатларда). **Чунки улар бир-бирларини севадилар** (жуфт соатларда) — «ДРУЖБА».

Она муҳаббати — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Оқ бўрилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР 62- ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1973 йил 7 октябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССРнинг ҳамма омонат кассаларида сақланган ютуқли омонат счётларининг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (ўртача омонат суммасига % билан)	Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (ўртача омонат суммасига % билан)
А — 24	25	А — 557	25
А — 77	100	А — 597	25
А — 86	25	А — 608	25
А — 155	25	А — 663	25
А — 196	25	А — 681	25
А — 217	25	А — 742	25
А — 266	25	А — 787	25
А — 307	25	А — 833	25
А — 339	25	А — 871	50
А — 361	25	А — 897	200
А — 401	25	А — 955	25
А — 448	25	А — 993	50
А — 489	100		

Счётларнинг сони 1000 дан ошган омонат кассаларида, биринчи мингда қайси номерлар ютган бўлса, қолган мингларда ҳам шу номерлар ютгандир. Масалан: счёт №№ А — 1024, А — 2024, А — 3024; А — 1608, А — 2608, А — 3608 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — Самарқанд шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари — Э. ПЕТРОСОВ.

Тираж комиссиясининг масъул секретари — М. КОРНИЛОВА.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. М. Қўчқоровга отаси

Қўчқор МАРАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари зоология кафедрасининг катта ўқитувчиси А. М. Қўчқоровга отаси

Қўчқор МАРАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Б.—239. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02744